

Хулқнинг ёмони дўзахга сабаб бўлади



11:00 / 08.05.2023 1551

Умму Дардо розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Абу Дардо кечаси туриб, намоз ўқиди. Сўнг йиғлаб: «Аллоҳим! Менинг халқимни гўзал қилдинг, хулқимни ҳам гўзал қилгин», дея бошлади.

«Эй Абу Дардо! Туни билан фақат ҳусни хулқ ҳақидагина дуо қилдингиз-а?» дедим.

«Эй Умму Дардо! Муслмон банда хулқини гўзал қилса, ўша гўзал хулқи уни жаннатга элтади. Муслмон банда хулқини ёмон қилса, ўша ёмон хулқи уни дўзахга киритади.

Муслмон банда ухлаб ётганида ҳам мағфират қилиниши мумкин», деди.

«Эй Абу Дардо! Қандай қилиб ухлаётган одам мағфират қилинади?» дедим.

«Унинг бир биродари кечаси туриб, таҳажжуд ўқийди. Сўнг Аллоҳ азза ва жаллага дуо қилади. Шунда унинг дуосини қабул қилади. Ва биродарининг ҳаққига дуо қилади. Шунда унинг бунинг ҳақидаги дуосини ҳам қабул қилади».

Бу ривоят машҳур саҳобия Умму Дардо розияллоху анҳодан қилинмоқда. У

кишининг эрлари Абу Дардо розияллоҳу анҳу ҳам обидлиги билан машҳур бўлган зотлардандир. Бу оила ниҳоятда ибодатли оила бўлган.

Ривоятда келишича, Абу Дардо розияллоҳу анҳу кечаси туриб, намоз ўқидилар ва сўнг тонг отгунча: «Менинг халқимни, яъни тузилишимни яхши қилиб қўйдинг. Энди хулқимни яхши қилгин», деб Аллоҳ таолога йиғлаб ёлвордилар.

Умму Дардо розияллоҳу анҳо айтадилар:

«Мен Абу Дардога: «Эй Абу Дардо! Туни билан фақат ҳусни хулқ ҳақидагина дуо қилдингиз-ку?» дедим. Абу Дардо:

«Эй Умму Дардо! Муслмон банда хулқини яхши қилса, ўша яхши хулқи уни жаннатга элтади. Муслмон банда хулқини ёмон қилса, ўша ёмон хулқи уни дўзахга киритади. Муслмон банда ухлаб ётганида ҳам мағфират қилиниши мумкин», деди.

Шунда мен: «Эй Абу Дардо! Қандай қилиб ухлаётган одам мағфират қилинади?» дедим.

Абу Дардо шундай жавоб бердилар:

«Унинг бир биродари кечаси туриб, намоз ўқийди. Кўп ижтиҳод қилиб, сўнг Аллоҳ таолога дуо қилади. Шунда Аллоҳ таоло унинг дуосини қабул қилиб қолади. Агар ўша дуода ухлаб ётган биродарининг ҳаққига ҳам дуо қилган бўлса, Аллоҳ таоло қабул қилиб, уни мағфират этади».

Бу буюк саҳобийларнинг оилавий ҳаётида бўлиб ўтган бир ибратли воқеа. Албатта, бу ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олган, у зотдан таълим олган инсонларнинг ҳаёт тарзидир.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳусни хулқ шундай қадрли нарса эканки, улуғ бир саҳобий бир кеча давомида намоздан сўнг фақат шу сифат берилишини сўраб, «Аллоҳим! Менинг халқимни гўзал қилдинг, энди хулқимни ҳам гўзал қилгин», деб дуо қилиб чиқибдилар. Чунки ҳусни хулқ ўз соҳибини жаннатга олиб борар экан. Аллоҳ сақласин, хулқ ёмон бўлса, эгасини дўзахга олиб борар экан.

Энди ушбу ривоятнинг иккинчи қисмидаги дуо ҳақида. Демак, мўмин-мусулмонлар ўз биродарларининг ҳаққиға ғойибдан, хусусан, кечалари, таҳажжуд намозларидан кейин қилган дуолари ижобат бўлар экан, бундай дуоларда бирор кишининг ҳаққиға қилинган дуо қабул бўлиб қолса, дуо қилинган киши бу пайтда ухлаб ётган бўлса ҳам, гуноҳлари мағфират бўлиши, баъзи ҳожатларини Аллоҳ таоло раво қилиб қолиши мумкин экан.

Бу сиз билан биз учун жуда катта фойдали нарса ҳисобланади.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

- 1. Кечаси туриб, намоз ўқиш фазилатли иш экани.*
- 2. Тонг отгунча йиғлаб дуо қилиш фазилатли иш экани.*
- 3. Хулқини яхши қилишини Аллоҳ таолодан сўраб туриш кераклиги.*
- 4. Мусулмон банда хулқини яхши қилса, ўша яхши хулқи уни жаннатга элтиши.*
- 5. Мусулмон банда хулқини ёмон қилса, ўша ёмон хулқи уни дўзахга киритиши.*
- 6. Мусулмон банда ухлаб ётганида ҳам мағфират қилиниши мумкинлиги.*
- 7. Кечаси туриб, намоз ўқиб, Аллоҳ таолога дуо қиладиган кишиларнинг дуоси қабул бўлишидан умидворлик борлиги.*

«Одоблар хазинаси» китоби асосида тайёрланди